

АМАЛИЙ ҲУҚУВ-СЕМИНАР

Қизил Ярим ой жамияти вилоят бўлими аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш ва фуқароларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш масалаларига бағишланган ўқув-семинарда туман ва шаҳарларда фаолият кўрсатиб келаётган 70 дан ортиқ корхона ва ташкилотларнинг вакиллари ҳамда кўнгиллилар иштирок этди.

Амалий ўқув-семинар давомида Қизил Ярим ой жамиятининг асосий вазибалари, биринчи тиббий ёрдам кўрсатишнинг йўл-йўриқлари ҳамда бу борада фуқароларнинг мажбуриятлари юзасидан тушунтириш берилди ва амалий машғулотлар ўтказилди.

Икки кунлик ўқув яқинда энг фанли иштирокчиларига жамият сертификатлари топширилди.

Умид ШУКУРОВА.



ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

Оққўрғонлик Ўриш Сафаров 20 йилдан зиёд умрини тумандаги агро-бизнес ва сервис касб-хўнара коллежи ўқувчиларига информатика фанидан билим беришга бағишлади.

Устоз ўтган даврда изланувчанлиги, касбига талабчанлиги билан ҳамкасблари орасида хурмат топди. У машғулотлардан бўш вақтларида коллеж касбага уюшмаси раиси вазифасини ҳам бажараяпти. Дарс жараёнида инновацион технология, интерфаол усуллардан тўла фойдаланади.

– Ўриш Сафаровни коллежга келганимдан буён биламан, – дейди ўқув

иллари бўйича директор муовини Х. Мўминов. – У ўқувчиларга йиллар давомида ортирган тажрибаларига таяниб билим беради. Бир вақтнинг ўзида назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлай олади. Унинг соҳа ривожига қўшаётган ҳиссаси "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан тақдирланди.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Ватанимиз Мустақиллигининг 22 йиллиги олдидан



ДИЛЛАРДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорларига мувофиқ вилоятимизнинг шаҳар ва туманларидаги маданият ва истироҳат боғлари, маҳалла гузарлари, ташкилот ва корхоналарда 2 июлдан "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, Мустақил Ўзбекистон!" шiori остида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Ана шундай кечалар Анрен, Бекобод, Олмалик, Чирчиқ шаҳарлари, Бекобод, Бўка, Бўстонлик, Зангиота, Оққўрғон, Оҳангарон туманларида ташкил этилди. Бугун Паркент ва Пискент туманларида байрамолди шодибаналари бўлиб ўтди. Пискентдаги мусика мактабида уюштирилган тадбирда жамоатчилик вакиллари, санъаткорлар, ёзувчи-шоирлар, олим ва мутахассислар ҳамда ёшлар қатнашди. Таъкидландики, истиқлол йилларида барча соҳаларда кенг қуламли ислохотлар қилиниб, яхши самара берди. Қишлоқларимиз бутунлай янгича қиёфа касб этиб, аҳоли турмуши йилдан-йилга яхшиланиб бораёпти.

– Бундай тадбирларнинг тез-тез бўлиб тургани яхши, – дейди вилоят педагог ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти катта ўқитувчиси, тарихот гурӯҳи аъзоси Одил Иномов.

– Боиси, юртимизда тинчлик, аҳоли орасида меҳоракат янада кучаяди. Айниқса, ёшларимизни миллий қадрият ва аъналаримизга содиқ қилиб тарбиялашда қўл келади. Кечага эл ардоғидаги

шоир ва ёзувчиларнинг гузал шеърлари, академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси, "Шош наволари" ашула ва рақс ансамбли, эстрада хонандалари ва ҳаваскорлик бадиий жамоаларининг дилтортар куй-қўшиқлари, жозибали рақслари чинакам байрам шукуҳини олиб кирди.

– Бундай тадбирлар истиқлол йилларида эришилган ютуқларимиз моҳиятини тушунишимизга ёрдам беради, – дейишди бир гуруҳ ёшлар. – Шоир ва ёзувчиларнинг мазмунли сўхбатлари, санъаткорларнинг Ватанни мадҳ этишлари бизларни тўлқинлантирди, кўп ўқиш ва изланишга, юртимиз шарофтини янада оқсақларга кўтаришга ундади.

– Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон! шiori остидаги мазкур маданий-маърифий тадбир вилоятимиз шаҳар ва туманларида давом этмоқда.

Бекзод ХИДОЯТОВ, Даврон АҲМЕДОВ (сурат), "Тошкент ҳақиқати" муҳбирлари. СУРАТДА: талабир иштирокчилари.

Тадбир

ИЛЛАТ ВА ТАСАВВУР

Олмалик туман ижтимоий иқтисодиёт ва сервис касб-хўнара коллежида "Гиеҳвандликка қарши кураш – ёшлар нигоҳида" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

ЎзАДП Тошкент вилоят кенгашининг "Истиқбол" ёшлар қаноти ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирда саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали, Олмалик шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, шаҳар ички ишлар, халқ таълими бўлимлари ходимлари, депутатлар ҳамда коллеж ва мактаб ўқувчилари иштирок этдилар. Тадбирда гиеҳвандлик қўллаб-қувватловчи инсонларнинг умрига зомин бўлаётгани, ОИТС, вирусли гепатит ва бошқа хавфли касалликларнинг тарқалишида асосий омил эканлиги айтилди.

Иштирокчилар "Гиеҳвандлик – инсониятни фалокатга етакловчи оғу" видеоклавҳасини томоша қилиб, шу хусусда ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Шунингдек, мавзуга оид расмлар ҳамда иншо ёзиш танлови ҳам ўтказилди. Танловда шаҳар коллеж ва мактаб ўқувчилари қатнашдилар. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан голиб деб топилган ўқувчилар ЎзАДП вилоят кенгашининг фахрий ёрлик ва сардали совғалари билан тақдирланди.

Шаҳло ИСАЕВА.

Ёз-2013

ОРОМГОҲГА МЕҲМОН КЕЛДИ

Ёзнинг жазирама кунлари тирик жонзот борки соя-салқин жойларни излаб қолади. Сўлим, соя-салқин гўшалар эса жонга ором бахш этади. Айни кунларда Ўрта Чирчиқ тумани ҳудудидаги "Тошкент денгиз" соҳиллари барчанинг севилими масканига айланиб қолган. Бу ердаги "Меҳржон" болалар оромгоҳи ҳам файзли, сўлим гўшалардан.

Яқинда ушбу оромгоҳга бир гуруҳ депутат ва ижодкорлар таширф буюрдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари Исмоил Саифназаров ва Умид Жуманиязов қонун ижодкорлиги жараёнлари ва қабул қилинган қонунларнинг юрт тинчлиги, Ватан раванки ва халқ фаровонлиги борасидаги аҳамияти хақида сўзлаб бериб, болаларни қизиқтирган қўллаб-қувватловчи жавоб бердилар.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Умида Абдуазимова номи

болажонларга яхши таниш. Сабаби, шоира болалар учун "Ширинтой", "Оймом боғ", "Ёзилмаган китоб" сингари асарлар яратган. У янги шеърларидан намуналар ўқиб берди.

Тадбирда фаоллик кўрсатган болалар шоиранинг дастхати битилган янги китоблар билан тақдирландилар.

Шоирлар Маъмур Бозор Али ҳамда Неъмат Мирзоянинг Ватан, садоқат, дўстлик борасидаги шеърлари, болалик хотиралари ҳам дам олувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Абдуқодир ЭГАМКҮЛОВ.

БОЛА КУЛСА, ОЛАМ КУЛАДИ

Бўстонлик туманидаги "Юсуфхона" қишлоғида барча қўлайликларга эга болалар соғломлаштириш оромгоҳи фойдаланишга топширилди.

Пурвиқор тоғлар қўнида жойлашган "Нихол" оромгоҳининг бугунги қиёфаси бутунлай ўзгача, кўрган кишининг кўнгли яйрайди.

Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясининг ташаббуси билан капитал таъмирдан чикарилган оромгоҳда болаларнинг кўнглини ҳордиқ чикаришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Замонавий тилдаги павильонлар, спорт мажмуаси ва сузиш ҳавзаси, маънавият ва маърифат маркази, янги адабиётлар билан бойитилган кутубхона, компьютер хонаси, эстрада зали болажонлар ихтиёрида.

Хозир оромгоҳда 150 нафар бола дам олмақда. Малакали тарбиячи ва етакчилар, мураббийлар

болажонларнинг ёз завқидан баҳра олишлари учун сидқидилдан меҳнат қилмоқда. Спорт ва фан тўғрисида, ҳатто компьютер ва инглиз тили курсларидан болаларга берилаётган сабоқлардан дам олувчилар жуда мамнун.

– Тоғ бағридаги оромгоҳга илк бор келишим, бу ернинг ҳавоси ва ҳамма шароитлар менга жуда ёқди. Энди ҳар йили шу ерга дам олгани келаман, – дейди кичкинтой Мираҳмад Турсунматов.

Дарҳақиқат, бола кулса, олам кулади, дейдилар. Бугун "Нихол" болаларнинг шодон кунларига тўлган. Уларнинг йўллариде чечаклар, диллариде эса эзу тилаклар умноқда.

Холтўра ШАҒОАТОВ, журналист.

«ЧИМЁН»НИНГ ИШИ РЕЖАЛИ

Вилоятимизнинг тоғли, баҳаво ҳудудларида болалар ёғи дам олиш кунларини мазмунли ўтказишлари учун "Камалас", "Хумо", "Кониот", "Чимён" каби қўллаб-қувватловчи оромгоҳлар ишлаб турибди. Буни Бўстонлик туманидаги "Чимён қишлоғи номи билан аташувчи болалар соғломлаштириш оромгоҳи фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Олмаликдаги "Аммофос-Максам" очик акциядорлик жамиятига қарашли оромгоҳда 7 дан 13 ёшгача бўлган болаларнинг мароқли ҳордиқ чикаришлари учун шароитлар етарли. Оромгоҳ мавсум мобайнида 3 навбатда 360 нафардан – жами мингга яқин болани қабул қилади. Хозир "Чимён"да 14 нафар тарбиячи ва шунча етакчи назоратида 500 га яқин иккинчи навбат болалари дам олишяпти. Оромгоҳда ёғи дам олиш мавсумини кўнгилдагидек ташкил қилиш, айниқса, эҳтиёткорлик билан фарзандлари ва меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини кенг жалб этиш ишлари яхши йўлга қўйилган. Айни пайтда 14 нафар кам таъминланган, 2 нафар меҳрибонлик уйи болалари ҳам дам олдирляпти.

Шунингдек, "Чимён"да болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ва фойдали ташкил этиш, саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида улар ўртасида маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ва танловлар мунтазам ўтказилиб кели-

майдончалари, сузиш ҳавзаси дам олувчилар ихтиёрида.

– Белгиланган режаларни амалга ошириш учун шароит яхши бўлса, иш ўз-ўзидан бўлавераркан, –

Боиси, "Чимён"нинг умий майдони 7 гектар. Шундан қарийб ҳар бири 100 ўринга мўлжалланган икки қаватли бинодан жами бештаси 2 гектарни эгаллаган. Қолганда ме-



наётгани ҳам диққатга сазовор.

Оромгоҳ тиббий пунктида олий тоифали шифокор ва икки нафар ҳамшира болажонлар соғлиғига масъул.

Маънавият ва маърифат, компьютер хоналари, рус ва ўзбек тилларида мингга яқин китоб сақланаётган кутубхона ҳамда футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси ва бошқа спорт

дейди оромгоҳ раҳбари Мая Султонова. – Болалар ўртасида маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни ўтказишда, таниқли спортчи, санъаткор, ижодкорлар билан учрашувлар, турли спорт мусобақалари ташкиллаштиришимизда муаммо бўлмайди. Оромгоҳ ҳудудини ободонлаштириш ва кўкалмазорлаштириш ишлари ҳам аҳамиятга молик жиҳатлардан.

Отабек ИШМАТОВ. СУРАТДА: оромгоҳ ҳаётидан лавҳа. Даврон АҲМАД олган сурат.

"Тошкент ҳақиқати"га жавоб берадилар

МУАММО ҲАЛ БЎЛАДИ, ТАРТИБ ЎРНАТИЛАДИ

Шунинг учун туман ободонлаштириш бўлими ёки корхона, ташкилот ва ҳўжалиқларнинг транспорт воситаларига таянади. Туман ободонлаштириш бўлими ва "Ау-Зарина" корхонасининг техника базасини яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳўкимлигининг алоҳида баённомаларига мувофиқ ушбу корхоналарга махсус автомашиналар ажратилиши бўйича амалий ишлар қилинмоқда.

Шунингдек, туман ҳўкимлиги Ўзбекистон Республикаси ва АКШ халқор тараққиёт Агентлиги "USAIDнинг Маҳаллий Тараққиёт Ташаббуси" лойиҳаси ҳамкорлигида туман ҳудудидаги қаттиқ машиини чикиндириши чикариш бўйича

Шу йилнинг 1 сентяб-рига қадар 92 та контейнер ўрнатилиши режалаштирилган. Янгийўл туман ҳўкимлиги ҳудудларини обод қилиш бўйича амалий иш ташкил қилиб, олиб борилаётган ислохотлар жараёнини ёритишда сизнинг тахририятингиз билан ҳамкорликда бўлади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Табиат ва биз

ҲАЙБАТКЎЛ ТОМОНЛАРДА...

Туман овчилик ва балиқчилик жамиятига қарашли "Ҳайбаткўл" ов ва балиқ ҳўжалигининг умумий майдони 96 гектарни эгаллаган. Кўнда ўнлаб турдаги балиқлар, шунингдек, ўрдақ, гўз, қирғовул, қашғалдоқ, чибўйи, тулки, нутра ва ондатра каби жониворлар муҳофазага олинди, уларнинг ови ҳам йўлга қўйилган. Қуш ва ҳайвонларнинг ов мавсуми ҳар йили 15 августдан 27 февралгача давом этади. Балиқ ови мавсуми эса урчиш мавсуми бўлган апрель-май ойларида тўхтатилади.

Иномжон Парпиев беш йилдан буён туман овчилик ва балиқчилик жамиятига раҳбарлик қилиб келмоқда. Ўтган даврда "Ҳайбаткўл" ов ва балиқ ҳўжалиги анча тартибга келтирилди. Сув чикарилди, атрофларга гул ва манзарали дарахтлар экилди. Дам олувчилар ва ҳаваскор балиқчилар учун шароитлар яратилди.

– Жамиятимизнинг 280 аъзоси бор, – дейди Иномжон Парпиев. – Уларнинг мароқли машғулотлари учун имкони борича етарли шароит яратиб беришга ҳаракат қилаёғимиз.

"Ҳайбаткўл"да 20 ўринли меҳмонхона бор. Ёзги шароитни яхшилаш учун салкам 3 миллион сўмлик чорпоярлар ва бошқа зарур жиҳозлар олинди. Йўлланма сотиб олган овчилар ва ҳаваскор балиқчилар шу ерга қолиб, ов қилишлари ҳамда мароқли ҳордиқ чикаришлари мумкин. Бу йили овчи ва балиқчиларга ёз ва қиш ойларида ҳам бир хил қўлай шароит яратиш мақсадида ҳўжалик биносини реконструкция қилмоқчимиз. Таъмирлаш ишлари учун вилоят овчилик ва балиқчилик бирлашмаси етарли маблағ ажратди. Лойиҳамизга кўра, табиий газ тортилиб, иситиш тармоқлари ишга туширилади. Август ойида очиладиган навбатдаги ов мавсумига қадар меҳмонхона, ошхона ва бошқа ёрдамчи бинолар мукамал таъмирланиб, фойдаланишга топширилади.

Табиатдан фойдаланиш учун, аввало, уни сақлашимиз, асрашимиз

(Давоми. Боши 1-бетда).



лозим. Лекин кейинги йилларда айрим кимсаларнинг нотўғри муносабати туфайли дарё ва кўлларда балиқлар камайиб кетди. Бунинг асосий сабаби, электр токи ёрдамида балиқ овланганлиги кетганидир. Вилоят овчилик ва балиқчилик бирлашмаси бўлим бошлиғи Абдуманон Эшонхўжаевнинг айтишича, электр токи қўлланилганда балиқлар нафақат нобуд бўлади, балки ўлмай қолганларининг ҳам пушти қуйиб кетади, бошқа урчимайди. Натихада кейинги пайтларда Сирдарё ҳавзасида балиқ камайиб кетди. Шунинг учун егер (профессионал овчи)ларнинг асосий эътибори қонунбузарларга қарши курашишга қаратилган.

Кўннинг ҳайвонот дунёсини сақлаш мақсадида 2011 йилда Сирдарё вилоятининг "Сайхун" ов ҳўжалигини 67 бош ёввойи ўрдақ келтирилиб, қўйиб боририлди. Улар учун 25 та сунъий уйчалар ташкил этилди. Балиқларнинг урчиш пайтида эса ҳар йили 20 та сунъий урчиш ҳавзаси

ташкил қилинади, кўлга 300-400 килограмм атрофида балиқ чавоқлари ташланади. Ов ҳўжалиғига бу йил ҳам Чиноз туманидаги "Балиқ" ОАЖдан 2 миллион 450 минг сўмлик оқ амур ва зогора балиқ (сазан) чавоқлари олиб келиб ташланди.

– Бу тадбиримиз, биринчидан, ҳаваскор балиқчиларга қўлай шароит яратиш бўлса, иккинчидан, Сирдарё ҳавзасида табиий мувозанатни сақлаб туришга кўмаклашидир, – дейди вилоят овчилик ва балиқчилик бирлашмаси раиси Ботир Акбаров. – Қуш ва балиқларни келтириш билан бирга уларни озиклантириш ҳам алоҳида аҳамият бераёғимиз. Масалан, ёввойи қушлар учун дон сочиб турилади, балиқлар эса минераллар билан бойитилган махсус ем билан озиклантириб борилади.

Каримкул МАВЛОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири. Юсуф ЭРҒАШЕВ, "Бекобод овози" газетаси ходими.

Экологик медиатур

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти(ЕХТ)нинг лойиҳалари координатори офиси ҳамда "Чинор" экологик нашриёт компанияси ҳамкорлигида Янгийўл туманидаги Минтақавий балиқ кўпайтириш шўба корхонасида экологик медиатур ташкил этилди.

МАҚСАД – БАЛИҚЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ ҳўжалигининг барча соҳаларини, жумладан, балиқчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда мазкур тармоқни ривожлантириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар дастурида сунъий сув ҳавзаларида 21,2 минг тонна, табиий ҳавзаларда эса 14,1 минг тонна балиқ овланб, жами балиқ етиштириш ҳажми 35 минг 300 тоннага етказиш белгиланган.

Тадбир иштирокчилари балиқчиликни ривожлантириш, сув ҳавзаларида балиқларни кўпайтириш ва уларга озуқа тайёрлаш бўйича олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишди.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда бир минг 375 балиқчилик фермер ҳўжалиғи фаолият юритмоқда. Уларнинг қарийб уч юзтаси табиий, қолгани сунъий сув ҳавзаларидадир. Кейинги йилларда балиқчилик фермер ҳўжалиқларини янада ривожлантириш бўйича бир қатор ишлар олиб борилаётган. Жорий йилда янги 448 балиқчилик ҳўжалиғи ўз фаолиятини бошлади. Минтақавий балиқ кўпайтириш шўба корхо-

насининг асосий фаолияти балиқчиликни ривожлантиришдаги илмий-тадқиқот ишларини жорий этиш ва фермер ҳўжалиқларига балиқ чавоқларини етказиб беришдан иборат. Ўтган йили бир юз йигирмага ҳўжалиқ шартномаси асосида жойлардаги фермер ҳўжалиқларига балиқ чавоқлари ва личинкалар етказиб берилди.

Корхонада балиқчиликни ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар бўйича илмий изланишлар олиб бориш учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Хусусан, бу ерда йигирмадан ортиқ интенсив ҳовуз мавжуд. Айни кунда уларда Россиядан олиб келинган осетр ва Малайзиядан келтирилган пангасиус ҳамда Африка лаққа балиқлари маҳаллийлаштирилиб, кўпайтирилмоқда.

Медиатур давомида журналистларга мамлакатимизда балиқчиликни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар, илмий тадқиқотлар, балиқларни сунъий сув ҳавзаларида кўпайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар самаралари хусусида маълумотлар берилди.

Х. САЛИМОВ, ЎЗА муҳбири.

ЎҚИШДАН ИШГА

Бекобод шаҳар ҳокимлиги "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг шаҳар ва туман кенгаши билан ҳамкорликда мавжуд ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларининг доимий бандлигини таъминлаш мақсадида жойларда ўқув-амалий семинарлар ва меҳнат ярмаркалари ҳафталигини ўтказди.

Ҳафталик доирасида катнашчилар яқинда курилиши битган "Ёшлар" спорт мажмуасига саёҳат қилдилар. Иншоотнинг ҳажми талабига мос қирилган, турли спорт майдончаларида яратилган шароитлари, мажмуа ичига ҳорижий тилларни ўргатишга ихтисослашган хона ва бошқалари кўздан кечиришди.

Коллеж ва лицей битирувчилари учун шунингдек, "Ўзметкомбинат" очик акциядорлик жамияти музейига экскурсия уюштирилди. Бу ерда улар корхона аъзолари меҳнат фаолияти акс эттирилган видеоларни томоша қилдилар. Ҳафталик сўнггида ташкилотчилар истеъдодли ёшларнинг фахрий ёрлиги ва эсдалик совғалари билан мукофотлашди.

Бахтиёр ШАВКАТОВ.
Еркебой БОТИРОВ
олган сурат.



МАҲОРАТЛИ ҲАЙДОВЧИЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Ўтган йили Тошкент вилоятида ҳайдовчилар томонидан содир этилган қондабузарлик ҳамда йўл-транспорт ҳодисалари 2011 йилга нисбатан сезиларли даражада камайди. Бу ҳайдовчилар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш муассасаларида ўқитиш сифатига жиддий эътибор қаратилаётгани, ҳайдовчиларнинг масъулияти ва ҳушёрлиги ошаётгани натижасидир.

Вилоятнинг шаҳар ва туманларида ҳайдовчилар тайёрлаш билан шуғулланётган ташкилотларда бу борадаги ишларни янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётган. Ҳайдовчилар тайёрлаш мактабларида таълим олаётган ёшларнинг машғулотларга қатнашиши, транспорт воситаларининг техник соғлиги, моддий-техник ҳолати тегишли идоралар томонидан мунтазам назорат қилинаётган. Текширувларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар берилиб, ҳайдовчиликка ўқитиш билан боғлиқ ишларни янада такомиллашти-

риш бўйича зарур чоралар кўрилмақда. Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти тизими мактабларида ҳайдовчиликка ўқитиш бўйича катта тажриба тўплаган. Ташкилотнинг Тошкент вилояти кенгашига қарашли 18 мактабда 2012 йилда тўққиз минг беш юз нафар ҳайдовчи тайёрланди. Шаҳар ва туманларидаги мактабларимизга қарашли махсус мажмуа автодромларида автомобилни бошқариш бўйича амалий машғулотлар ўтказиш учун кенг имкониятлар яратилган, - дейди "Ватанпарвар" ташкилотининг Тошкент ви-

лояти кенгаши раиси ўринбосари Аҳмадхон Ҳожинаяров. - Автодромлардаги йўл белгилари, светофорлар ҳамда йўл ва темир йўл кесилмалари бўлғуси ҳайдовчиларнинг маҳорати ва кўникмасини оширишда кўл келмакда. "Ватанпарвар" ташкилотининг Зангиота тумани кенгаши тасарруфидога Келес ўқув-спорт техника клубининг ўқув хоналари таъмирланди. Қўрғазмали вилаетлари, замонавий автомашиналарнинг ахтиёт қисмлари кўпайтирилди. "Matiz" машк машинаси харид қилинди. Яқинда клуб машк автомашиналари қаторига "Spark" ҳам қўшилди. 2012 йили бу ерда бир минг икки юз нафардан зиёд фуқаро ўқиб, ҳайдовчилик гувоҳномаси олишга муваффақ бўлди. Айни кунда 325 нафар йигит-қиз таълим олмақда.

Ў.А.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!
Савдога қўйиладиган кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан 11.02.2013 й. № 11-12227/15804-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Қумовул қ.б.ф.к., Паркент тракт кўчаси, 15-уй. Бошланғич баҳоси - 1 900 000 000 сўм. 2. Юнусобод тумани СИБ томонидан 21.01.2013 й. № 425-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Қоронкул кўчаси, 84-уй. Бошланғич баҳоси - 357 973 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 25 июль кунини 11:00 да бўлиб ўтади. 3. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 12.06.2013 й. № 51850/17-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув 4-мавзеси, 41-уй. Бошланғич баҳоси - 1 860 000 000 сўм. 4. Юнусобод тумани СИБ томонидан 03.06.2013 й. № 16555-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, А. Темур кўчаси, Олой бозори савдо мажмуаси ичига жойлашган блок "Б". Бошланғич баҳоси - 969 839 417 сўм. 5. Юнусобод тумани СИБ томонидан 03.06.2013 й. № 16555-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, А. Темур кўчаси, Олой бозори савдо мажмуаси ичига жойлашган блок "А". Бошланғич баҳоси - 484 088 920 сўм. 6. Юнусобод тумани СИБ томонидан 03.06.2013 й. № 16556-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, А. Темур кўчаси, Олой бозори савдо мажмуаси 2 қаватида жойлашган савдо дўкони. Бошланғич баҳоси - 786 801 556 сўм. 7. Юнусобод тумани СИБ томонидан 27.05.2013 й. № 16280-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 9-мавз. 7-уй, 35-хонадон. Бошланғич баҳоси - 43 600 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 12 август кунини 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокда бевосита жойига чиқиб танишини мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан аризалар ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш кунини қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашини истагиди бўлган талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо танкилотчиси - "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг "Ипотека банк" АТБ Шайхонтоҳур филиалига қўйиладиган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304936050001, МФО 00425, СТИР 207125885. Аукцион голиби сотиб олан мулк қийматини 5 банк кунини мобайнида тўлашга тўлаш шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Лицензия: RR-0052

"SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРПОРАЦИЯ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!
Савдога қўйиладиган автотранспорт воситалари ва мулклар қўйилмоқда: 1. Бўка тумани СИБ томонидан 18.04.2009 й. № 3029/5-сонли ижро ҳужжатига асосан 1997 й. и.ч. "Т28х4М" д.р. 1907 ЕР. Бошланғич баҳоси - 2 390 040 сўм. Бўка тумани, Қоңирий кўчаси, 3-уйда сақланмоқда. 2. Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан 23.11.2012 й. № 1232/16777-сонли ижро ҳужжати асосан "Пахта лини, А Тип 1-тоннаси". Бошланғич баҳоси - 815 000 сўм. 3. Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан 23.11.2012 й. № 1232/16777-сонли ижро ҳужжати асосан "Пахта лини, Б Тип 1-тоннаси". Бошланғич баҳоси - 665 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 25 июль кунини 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари ва мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокда бевосита жойига чиқиб танишини мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан аризаларни ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш кунини қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашини истагиди бўлган талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси ва мулк учун алоҳида тартибда савдо танкилотчиси - "SPARETRA" МЧЖнинг "Ипотека банк" АТБ Шайхонтоҳур филиалига қўйиладиган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004887305001, МФО 00425, СТИР 301829604. Аукцион голиби сотиб олан автотранспорт воситаси қийматини 5 банк кунини мобайнида тўлашга тўлаш шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Гувоҳнома № 004593.

Билдирин
"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2013 йил 8 июль кунини 47-сонидоги хабарномага, Олмалик шаҳар ҳокимининг 2013 йил 3 июль кунини хатига асосан, қўйиладиган ўзгартиришлар киритилмоқда: Амир Темур ва Шароф Рашидов кўчалари чорраҳасида жойлашган ер майдони 0,08 га деб ва Амир Темур кўчасида жойлашган ер майдони 0,01 га деб ўқиди.
"Capital Realtor Group" МЧЖ маъмурияти.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйидаги нотариус лавозимларига танлов ўтказишни қайта эълон қилади!

- Бекобод шаҳар давлат нотариал идорасига 1 нафар
- Олмалик шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар
- Бўстонлик туман 2-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар
- Бекобод туман давлат нотариал идорасига 1 нафар
- Зангиота туман 1-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:
1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Талабдорнинг малака имтиҳонини тошпирганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини тошпирган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабдорлар эса малака имтиҳонини қайта тошпирганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.
Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камда уч йил мuddатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини тошпирган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.
Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар 2013 йил 2 август кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига мурожаат этишлари лозим.
Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.
Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.

Охангорон шаҳар хотин-қизлар қўйимасига 2007 йил 18 июлда берилган 555-сонли гувоҳнома, уст-тав, думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**
2010 йил 29 январда 005423-10 тартиб рақами билан рўйхатга олинган "SHOMIR-DILSAM" (ИНН 301470088) хусусий корхонасига тегишли бўлган думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**
Тошкент вилояти ИИБ томонидан 28.09.2007 йилда Джуманов Джумабай Мадаминович номига берилган № 9167 рақамли пенсия гувоҳномаси йўқолган. Муқофот эвазига қайтаришини гуноҳни сўраймиз. Тел.: (+99890) 130-27-05.

"AGRO SANOAT MULK MARKAZI" МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!
2013 йил 13 август кунини 11:00 да, Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уйда, бошланғич нархи босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қўйиладиган мулклар қўйилмоқда:
1. Юнусобод туман СИБ томонидан 2011 йил 5 июлдаги 19107-сонли ижро варақасига асосан хатланган, ЎЗР МХХ хулушида сақланаётган, 2000 йилда и/ч., дав. бел. 20 АГ 821 бўлган "Опел-Вектра" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи - 17 820 000 сўм. II. Миробод туман СИБ томонидан, "Space Arsenal Service" МЧЖда сақланаётган, 1. 2013 йил 17 майдаги 14106/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 Д 144 ЕА бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи - 23 007 376 сўм. 2. 2013 йил 12 июлдаги 17330/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда и/ч., дав. бел. 01 О 479 НА бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи - 19 400 000 сўм. 3. 2013 йил 12 июлдаги № 17325/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда и/ч., дав. бел. 01 Т 983 FA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи - 20 400 000 сўм. 4. 2013 йил 13 майдаги 13969/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда и/ч., дав. бел. 01 А 637 КА бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи - 26 500 000 сўм. 5. 2013 йил 13 майдаги 13967/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2005 йилда и/ч., дав. бел. 01 G 992 DA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи - 21 600 000 сўм. 6. 2013 йил 17 апрелдаги 10574/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 U 970 DA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи - 24 500 000 сўм. 7. 2013 йил 28 майдаги 14470/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 W 891 VA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи - 19 000 000 сўм. 8. 2013 йил 13 майдаги 13968/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда и/ч., дав. бел. 01 Z 343 AA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи - 23 600 000 сўм. 9. 2013 йил 17 апрелдаги 10561/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1997 йилда и/ч., дав. бел. 10 F 2849 бўлган "Тико" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи - 8 489 200 сўм. 10. 2013 йил 13 майдаги 13966/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўзбекистон Республикаси МХХ Тошкент вилояти бошқармасида сақланаётган, 2012 йилда и/ч., дав. бел. рақамсиз бўлган "Спарк 1" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи - 32 399 100 сўм. III. Яқсарой туман СИБ томонидан: 1. 2012 йил 21 августдаги 1219/13285-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти Зангиота тумани "Юқумли касалликлар шифохонаси" хулушида сақланаётган, 9 турдаги 20 дона салқин ичимликларни бутилжаларга қўйиш учун мўлжалланган технологик линияси. Бошланғич нархи - 500 000 000 сўм. 2. 2013 йил 5 апрелдаги 1-388/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яқсарой тумани, Дамбул кўчаси, 31/2-уйда сақланаётган, 2008 йилда и/ч., дав. бел. 01 V 977 NA бўлган "Hyundai Sonata" русумли автотранспорт воситалари савдога қўйилган. Бошланғич нархи - 42 122 000 сўм.
2013 йил 30 июль кунини соат 11:00 да бўлиб ўтказилган очик аукцион савдоларига қўйиладиган мулклар тақдоран қўйилмоқда:
1. Юнусобод туман СИБ томонидан 2013 йил 14 мартдаги 5963-94/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1. Сёзбор жазима майдончасида сақланаётган, 2006 йилда и/ч., дав. бел. 01 594 ТБА бўлган "ГБАСП ГА3-322132-220" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи - 36 500 000 сўм. 2. АТББ "Ипотека банк" Ҳамза филиали ҳовлисида сақланаётган, 2006 йилда и/ч., дав. бел. 01 592 ТБА бўлган "ГБАСП ГА3-322132-220" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи - 36 750 000 сўм. 3. АТББ "Ипотека банк" Ҳамза филиали ҳовлисида сақланаётган, 2006 йилда и/ч., дав. бел. 01 593 ТБА бўлган "ГБАСП ГА3-322132-220" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи - 33 000 000 сўм. 4. АТББ "Ипотека банк" Ҳамза филиали ҳовлисида сақланаётган, 1997 йилда и/ч., дав. бел. 01 К 437 НА бўлган "ГБАСП ГА3-2705" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи - 25 877 000 сўм. II. Сергели туман СИБ томонидан 2012 йил 24 сентябрдаги 1-381/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сергели тумани, Файзли кўчаси, 3-уйда сақланаётган: 1. 2008 йилда и/ч., дав. бел. М 7727 бўлган "BMW" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи - 211 985 385,36 сўм. 2. 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 754 МАА бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи - 26 186 071,50 сўм. 3. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 01 В 0115 бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи - 26 972 513,55 сўм. 4. 2001 йилда и/ч., дав. бел. 10 АГ 777 бўлган "Мерседес-Бенц" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи - 58 558 635,36 сўм. 5. 1982 йилда и/ч., дав. бел. 01 041 ТАА бўлган "Эл 138 АГ" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи - 14 510 042,20 сўм. 6. 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 015 РАА бўлган "Ласети" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи - 35 062 168,05 сўм.
Ушбу аукцион савдоларига қатнашиш учун талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо танкилотчиси - "Agro sanoat mulk markazi" МЧЖнинг ОАТБ "Капиталбанк" Мирзо Улуғбек филиалига қўйиладиган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464.
Савдога қўйилган мулклар билан талабдорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокда бевосита жойига чиқиб танишини мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабдорлардан аризалар эълон чиққан кундан бошлаб ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш кунини қолганда соат 16:00 да тўхтатилади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Тел.: 250-83-29.
Гувоҳнома: 006388.

2013 йилда кишлоқларда имтиёзли КРЕДИТ АСОСИДА ҚУРИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР УЧУН БЮЎРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ БОШЛАНДИ!

2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Кишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро учун янги уй сотиб олиш имконияти;
- Қўлай жойлашув: дўхон, мактабларга яқин жойида;
- Замонавий дизайндоши уйлари;
- Ҳар бири уй-жой 6 сониш ер майдонига эга;
- Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминланган ҳамда текис ва равои йўлларга эга;

Янги уйда оилангиз билан бирга фаровон ҳаёт кечиринг.

Оилангиз учун ёрқин КЕЛАЖАК ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Имтиёзли ипотека кредити орқали тежаб қолган маблағингиз оилангиз резежаси ва арзуларини амалга ошириш учун сарфланади;
- Янги уйлари янада яхшироқ турмуш тарзи ҳамда оилавий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратилади.

Янги уйлари Сиз учун узок мuddатли сарма ва фарзандлар учун мерос.

Келажақ учун ЖАМГАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Омонатингизни қўлайтириш имконияти;
- Имтиёзли фойз ставкасида 15 йил мuddатга ипотека кредити;
- Солиқлардан озод қилинган ипотека тўловлари;
- Маош миқдори йиллар давомида кўпайса ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгармайди;
- Солиқдан озод қилинган қурилиш жараёни - тежамкорлик ва арзон нарслар сарови.

100060, Тошкент шаҳар, Шахрсабз, 36
Тел.: (+998 71) 150-93-39
Факс: (+998 71) 150-39-93
www.gqb.uz
e-mail: headoffice@gqb.uz

Замонавий қурилиш моллари ва ЮКОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Танловдан ўтган тудратчи қурувчилар ва қурилиш сифатининг юқорилиги;
- Бир йиллик сифат кафолати;
- Узғурси нарсларда юқори сифатли замонавий қурилиш моллари.

Марҳамат, мурожаат қилинг!

- Туман ёки вилоят ҳокимликларига;
- Кишлоқ ёки маҳалла фуқаролар йиғинларига;
- "Камолот" ЕИХ бўлимларига;
- Хотин-қизлар қўйималарига;
- "Қишлоқ қурилиш банк" филиалларига, мини банкларига;
- "Қишлоқ қурилиш инвести" филиалларига.

Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2013 йил 5 июлдаги 43-сонли Баённомасининг қарори билан қўйидаги:

Тошкент вилоятидаги "RAXIM-RUSTAM AVTO" МЧЖга тегишли:

- "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳарда энгил автомобилларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун 2012 йил 13 март кунини берилган "АТ" серияли 000492-рақамли лицензиянинг ва "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида автобусларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун 2012 йил 24 февраль кунини берилган "АТ" серияли 000487-рақамли лицензиянинг амал қилиши 2013 йил 6 июлдан бошлаб 10 (ўн) иш кунига тўхтатиб турилиши тўғрисида маълумот беради.

Тошкент ирригация ва механизация институтини томонидан 1990 йилда Джумаева Гулбахор Джалаоловна номига берилган ФВ № 908651 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Яқсарой туманида 2012 йил 19 июлда 006741-11 реестр тартиб рақами билан рўйхатга олинган "SHUXRAT NATIONAL KAVAB" МЧЖ қайта тикланиши муносабати билан "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2013 йил 1 июнь 45-сонида "SHUXRAT NATIONAL KAVAB" МЧЖ тугатилиши тўғрисидаги эълон **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утеранный диплом К № 2236877 от 10.06.2011 г., выданный Ташкентским юридическим колледжем на имя Сабурова Шахрух Мирза Эркабой ўғли, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

"SHIK DESIGN" МЧЖга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утеранный аттестат U № 1026325, выданный в 2004г. школой № 2 г. Чиназа Ташкентской области на имя Лим Сергей Евгеньевич, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утеранный диплом К № 774929, выданный в 2007г. МУПКИ (Мирзо Улуғбек информатика касб-хунар коллежи) на имя Супонова Аъзама Акрамжоновича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспортни агентлиги томонидан 2013 йилда "TAKSI ALIYE PARUSA" МЧЖга берилган АТ № 1208183 рақамли лицензия йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ЧП "METRONIK" Юнусабадского района преобразуется в ООО "METRONIK" с переходом всех прав и обязательств от ЧП "METRONIK" к ООО "METRONIK" (ИНН 204849065).



Вилоятимиз шаҳар ва туманларида ўсиб келаётган авлоднинг жисмонан соғлом, маънан баркамол бўлиб ювга етишлари, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун қулай шароитлар яратилляпти.

ЧИРЧИҚ ЁШЛАРИГА ТУҲФА

Куни кеча Чирчиқ шаҳри марказида мини футбол стадиони қурилиб, фойдаланишга топширилди. Майдонча қурилишида шаҳарликлар, хусусан тадбиркор Умид Ортиқов ташаббус кўрсатди.

Энди шаҳримиз ёшлари бўш вақтларида бемалол стадионга келиб тўп теппилари мумкин. Шунингдек, майдонча очилишига бағишланган байрам тадбири, футбол ўйини ҳам ташкил этилди. Унда шаҳар мутасаддилари, маҳалла фаоллари ва ёшлар қатнашди.

ган ишлар яхши натижа бераётгани алоҳида таъкидланди. Ёшларимиз спортнинг турли йўналишлари бўйича ўтказилаётган халқаро мусобақаларда голиб бўлиб, Ватанимиз байроғини юқори кўтарётганидан хурсандман, — дейди 14-Мехрибонлик уйи директори Фарида Кенжаева. — Майдонча шаҳарлик ёшларга муносиб туҳфа бўлди.

Илоҳим бугунгидек осойишта ҳаётимизга кўз тегмасин. Тадбир давомида 14-Мехрибонлик уйининг "Мехржон" футбол тўғари аъзолари 2 жамоага бўлинган ҳолда ўзаро куч синашишти. Иштирокчилар мутасаддиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Даврон АХМАД олган сурат.

Хангома

— Санъатлар ичида энг муҳими кино, деганлари жуда тўғри экан, — деди актёр ошман. — Театрда шунча йил ишлаб эришмаган машурликка бир-икки-тан фильмда роль ўйнаб эришдим. "Тоштакалик Марадона" комедиясида болалар футбол жамоасининг тренера ролини ўйнагандан кейин ҳаммага отнинг қашқасиди танилиб, кўча-кўйда мени кўрганлар ўғирлиб қарашдиган, "Ие, фалончимми?" Ушанинг ўзимми?" дейдиган бўлишти. Катталар майли-ю, футболчи яхши кўрадиган болаларнинг чинакам қаҳрамонига айландим. Шундан кейин, "Бола деганнинг кўзида рентген бўлади, у ҳақиқий талантгина тан беради!" деб талтайиб юрдим. Лекин бу талтайишим узоққа бормайди.

симобдай эриб турганида, у кутилмаган савол берди. — Мабодо оддий бир мухлисанинг сизни бир пиёла чойга таклиф этса, боришга имкон топармидингиз? — Агар сиздай гўзал таклиф этса, имкон топмаган номрам! — деб кучайдим. Хоним мени яқшанба

нинг кўзи менга тушди-ю, анграйиб қолди, сўнг ўзига келиб: — Қаранглар, тренер келяпти, тренер! — деб жон-жаҳди билан бақира бошлади. Майдонни чангиб топ-тоқ талашаётган болалар аввалига унинг гапини

беланган болалар атрофини ўраб олишти. — Сиз ўша Марадонанинг тренера-сиз-а? — деди биринчи бўлиб мени таниган дарвозабон бола, кўзлари ёниб. — Мен тренермас, артистман, тренер ролини ўйнаганман, холос.

ЧЎҚҚИЛАРДА

Тўғримисан, ўғримисан — билмайман мен, Юртинг томон эргаштирма, юрмайман мен. Қояларни назаримга илмайман мен, Менинг кўзим, икки кўзим чўққиларда, Туғилганман чуқки ўзим чўққиларда.

Ёнгандан кўкка қуёш чиқиб келар, У кетган сўнг кийикчалар ирғиб келар, Қўлагим гўҳ камалаклар рангеа белар, Чўқмоқ бўлиб янгар сўзим чўққиларда, Туғилганман чуқки ўзим чўққиларда.

Қор, ёмғирлар ёғиб қолар чидаймиз-да, Ой тесқари оғиб қолар, чидаймиз-да, Турмас чангу доғу гўбор елкамизда, Олам-олам бордир тўзим чўққиларда, Туғилганман чуқки ўзим чўққиларда.

Ҳақат сенмас, менга кўнлар ҳавас қилган, Гулаар-ку гул, ҳатто чўнлар ҳавас қилган, Усмон бўл деб буюқ Тангрим нафас қилган, Менинг кўзим, икки кўзим чўққиларда, Туғилганман чуқки ўзим чўққиларда.

Усмон БЕК.



ДАРАХТ УСТИДА УЧ КУН

Оғайнисини тилка-пора қилган йўлбарслардан қочган беш индонезиялик уч кун мобайнида дарахт устида жон сақлади. Уларни қутқариш ишида 30 киши иштирок этди. Воқеа юз берган Гунунг-Лесер миллий боғининг умумий майдони 7 минг квадрат километр сатҳни ташкил этгани боис, бу эркаларни қидириш бир неча кун давом этди. Қутқарувчилар йўлбарсларни нарироққа қувишга муваффақ бўлдилар ва жабрдийдалар ерга тушиб олишти.

Қутқарувчиларни уларнинг аҳолидан телефон орқали хабар топган таниш-билишлари чакирган эди. Маълум бўлишича, олти эрка кийик овлаш учун қопкон ўрнатишган ва унга тушиб қолган йўлбарс боласини тасодифан ўлдириб қўйишган. Бу эса, тўрт йўлбарсни уларга ҳамла қилишига сабаб бўлган. Йирткичлар эркалардан бирини тилка-пора қилиб, қолганларини дарахт устига қочиб чиқишга мажбур қилишган ва уч кун мобайнида уларни қоровуллаб туришган. Гунунг-Лесер миллий боғи йўлбарслар ва бошқа йирткичларга бойлиги билан машҳур. Шунга қара-

май, ён-атрофдаги қишлоқлар аҳолиси ўзлари учун даромад манбаи бўлган алоз дарахти кесиш учун бу ерга мунтазам кадам ранжида қилиб туришади. Зеро, бу дарахт ёғочининг бир килограмми учун 500 доллар ишлаб олиш мумкин. Сўнгги пайтларда Суматрада йўлбарсларнинг одамларга ҳужуми кўпайиб бормоқда. Дала майдонлари учун чангалзорларнинг кесиб ташланиши бунинг асосий сабаби бўлиб қолаяпти. Натижада, одатда инсонлардан нарироқ юрвчи йўлбарслар ўз ҳудудларида улар билан тўқнашишга мажбур бўлишмоқда.

ТОЖВИРУСНИНГ ИККИ ҚЎРБОНИ

Саудия Арабистонида тожвируснинг янги шакли (MERS-CoV) билан зарарланишга шубҳа қилинаётган икки бемор касалланига ётқизилди.

Мамлакат гарбидаги Жидда шаҳрида икки ёшли болакай ҳаётдан кўз юмди, бу хасталик кўпроқ қайд этилган шарқий вилоятда эса 53 ёшли эрка оламдан ўтди. Қироллик соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, Яқин Шарқда респиратор синдроми (MERS)дан халок бўлганлар сони 38 тага, беморлар сони эса 65 тага кўпайди. Саудия Арабистонида Рамазон рўзаси бошланмоқда. Мамлакатта юз минглаб зияратчилар келиши кутуляпти. Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассислари қироллик ҳокимиятидан кўплаб одамлар ўрнаниши чеклаш чораларини кўришни сўрамоқда. Тожвируснинг янги шакли аниқланган 2012 йил сентябрдан бери бу хасталик аксарият Яқин Шарқда

жойлашган тўққиз мамлакат фуқаролигига юққан. Саудия Арабистонидан ташқари Иордания, Қатар ва Бирлашган Араб Амирликларида шундай хавф бор. Шунингдек, вилоруснинг Франция, Германия, Италия, Англия ва Тунисга "олиб ўтилгани" хабар қилинмоқда. Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти 5 июнь маълумотларига кўра, касаллик юртирганларнинг лабораторияларда тасдиқланган умумий сони дунё бўйича 79 кишини ташкил этмоқда, 42 ҳолда бу хасталик ўлим билан тууган. Май охирида Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти Ассамблеясининг 66-сессиясида сўзга чиққан ташкилот раҳбари Маргарет Чэн янги тожвирусни инсоният учун асосий глобал хавф, деб номлади.

ПОРАХЎРЛИК УЧУН ЎЛИМ ЖАЗОСИ

Хитой темир йўлларининг собиқ вазири Лю Чжицзюнь ижроси кечиктирилган ўлим жазосига ҳукм қилинди. Судда собиқ вазир ўз жиноятлари ва раҳбарлиқни суистеъмол қилганлигига иқроор бўлди.

Ўтган йили Лю Чжицзюнь амалидан четлатилган эди. Суд собиқ вазир мулкни мусодара қилиб, уни умрбод сиёсий ҳуқуқларидан маҳрум этди. Эълол қилинишича, ўз фаолияти мобайнида вазир катта ҳажмда поралар олиб, мўмай шартнома буюртмаларини ўз танишларига берган. Ноконуний олинган маблағлар микдори 10 миллион доллардан ошди. Хитойда 2011 йил тезуорлар поездлар тўқнашуви оқибатида 40 киши халок бўлган, Лю Чжицзюнь қаттиқ танқид остида қолди. Мамлакатнинг янги раҳбарияти бошлаган коррупцияга қарши курашда у жинорий жавобгарликка тортилган энг мартабали расмий

шахс бўлди. Тергов ва суд 1986 йилдан 2011 йилгача Лю Чжицзюнь пора олиш учун ўз макеидан фойдаланганини аниқлади. Жами 11 ҳолат исботланган. Лю Чжицзюньга қарши дастлабки айблов матбуотда ўтган йили декабрда пайдо бўлган, ўшанда мамлакатнинг таниқли журналистларидан бири вазирининг шубҳали молиявий ишлари ҳақида дастлабки мақоласини эълон қилган эди. Матбуот хабарларига кўра, вазирининг унонлари ҳам бировдан кўчирилган илмий ишлар эвазига олинган. Шунингдек, у ўзининг собиқ ҳушторига ўлдирш ҳақида таҳдид ҳам қилган.

КЎҲНА МЕҲМОНХОНА ҚУЛАДИ

Ҳиндистон жанубидаги Андхра-Прадеш штатининг Искандароб шаҳрида меҳмонхона қулаши оқибатида камида 13 киши халок бўлди ва ўнлаб одамлар жароҳатланди.

Бундан 80 йил муқаддам қурилган ва эронликларнинг севимли маскани бўлиб қолган City Light India Hotel икки қаватли меҳмонхона биноси харобалари остида яна одамлар бўлиши мумкинлиги сабабли янги қурбонлар чиқиши эҳтимоли бор. Фожиа душанба кўни эрталаб юз берди. Қутқарув ишлари полициячилардан ташқари, ўт учирвчилар ҳам жалб этилди. Полиция вакилининг маълум қилишича, худудда э-

кирган бундай бинолар ҳали кўп ва уларнинг эгалари тегишлича оғохлан-тирилган. Хозир полиция шундай оғохлантириш оланлар орасида қулаган меҳмонхона биноси ҳам бўлган-бўлмаганини текширмоқда. Айтиб ўтиш ўринлики, бундай фожиа-лар Хиндистонда кўп эди беради. Хусусан, 10 июнь кўни Мумбайда беш қаватли бино қулаши оқибатида бир одам халок бўлган ва беш одам шикастланган эди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

«МАШҲУР БЎЛМАЙ МЕН ЎЛАЙ»



эшитмай, ўйинни давом эттиришти. — Ана, қараларинг, Марадонанинг тренера! — деди бола мени кўли билан кўрсатиб. "Марадона" сўзидан кейин болалар ҳушёр тортиб, қоптоқ талашидан тўхтаб, мен томонга қарашди. Кейин ўйинчиларнинг энг новчаси "Ие, бу ўша!" деб бақириб юборди. Бир зумда эғни-боши чангга

— Алдаманг, тренера! — дейишди болалар чувуллашиб. — Хўп майли, болалар, футбол ҳақида бошқа пайт бафуржа гаплашамиз, хозирча хайр, мени куттишяпти, — дедим гапни якунлаб. — Кимникига келяписиз, кўрсатворамиз! — деб болалар менга эргашмишти. Уларнинг кузатувида бир оз юргандан кейин, хоним

хавли ўтгандан кейин, уйлар туғаб, йул катта анҳорга бориб тақалди. Нойлоз орқага қайтдим. Йул кўрсатувчиларим: — Кимнинг уйини ахтаряписиз, исмларини айтинг, топиб берамиз! — дейишди. — Стоп! — дедим жahlим чиқиб, — Мияни ачтмасдан тарқалларинг, қайга боришни ўзим биламан! Орқага қайтишда яна ўша, қия оч қаровоза қаршига келган, энди юришдан фойда йўқлигини билиб, ўзимни ичкарига урдим. Кирдим-у, эшикни чақонлик билан ёпдим. Кўчадан болаларнинг овозлари эшитиларди. — Ие, қани улар?! — Фокунсик эканлар-у, фойиб бўлдилар! — Фойиб бўлмадилай, Мунийа опанинг дайвозасига кийиб кетдилар! Қадам товушини эшитиб, ичкаридан чиққан хоним, ҳолатимни кўриб: — Вой, мунча кизариб кетибсиз, ё биров қувландими? — деб қулди. — Кувлади! Ёмон қувланди! — дедим бўғилиб. — Маҳаллангизнинг зумрашала-ридан аранг қочиб қутулдим! — Уларга нима ёмонлик қилибсиз-ки, келиб-келиб сизни қувлашса? — хоним хандон отиб қулганча, мени ичкарига бошлади. Дид билан ясашилган меҳмонхона ўртасидаги катта столда ноз-неъмат тўла дастурхон кўзни қамаштирди. Дастурхон ўтиридаги оромқурсига ўтиришим билан, уй бекаси бир кўли кўксига, жилмайиб, пахта гулли пиёлада чой узатар экан, ўша дилни сеҳрловчи овозда: "Хуш келдингиз!" деди. Бир пиёла чой ва бир пиёла майдан кейин, кўнглил тинчиб, сўхбатимиз энди кизий бошлаганида кўчадан болаларнинг: — Тренер, чика коле-е-ен! — деб қичқиришларидан нафасим ичимга тушиб кетди. — Тренер, тренера! — Мунира опу-ў-у, айтинг тренера қиссе-е-ен! — Хоним довдираб, ўрнидан туриб, айвонга чиқди, яна ичкарига қайтиб кирди. Унинг ранги бўздай оқариб кетган эди. — Уйидан ҳайдапяти деманг-у, маҳаллачиллик... чикмасангиз бўлмас... — деди у кўзларини ердан узолмай. "Сендан мени айирди-лар"ни хиргойи қилиб, хонимнинг уйини тарк этишдан ўзга чорам қолмади. Хуллас, кўнглил кўчасига қилинган ўша кунги сайил, машхурлигим тўфайли, кўнгилсиз якунланди.

Дилфуза АКБАРОВА.

Рассом хандаси



ЭЪЛОН

ЧФ "SHERZOD O'KTAM" (ИНН 300389780), зареги-стрированное ИПСРП хокимията Аккурганского района Ташкентской области (реестр № 809 от 06.04.07), расположенное по адресу: Ташкентская область, Аккурганский район, г. Аккурган, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (протокол № 12 от 28.06.2013г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

Жиноятга жазо муқаррар

ШАҲАР БЕДАРВОЗА ЭМАС

Тўхтавой Батиров 33 ёшда. Қозоғистон фуқароси. Миллати ўзбек.

Абдумавлон Эшонкулов эса 24 ёшда. Ўзбекистон фуқароси. Миллати қозоқ. Шу йилнинг 11 март кўни жиноят ишлари бўйича Ангрэн шаҳар суди Чирчиқ шаҳар судида кўрган ишда юқоридаги кимсаларнинг жинорий қилмишлари фош этилди.

Кейинги йилларда мамлакатимиз барча соҳаларда эришилаётган муваффақиятлар сабаб жaxon жамоатчилигининг эътиборига тушяпти. Шунинг учун ҳам кўплаб давлатлар Ўзбекистон билан ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан алоқаларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилаяпти. Табиийки, Ўзбекистон дўстлик қўлини чўзганларнинг кўкрагидан ҳеч қачон итармаган. Шунинг учун ҳам, бундай давлатлар билан ўрнатишган турли муносабатлар янада мустаҳкамланяпти. Чунончи, мамлакатимизга чегарадош бўлган республикалар билан ҳам ўзаро маффаатли битимлар тузишмоқда.

Лекин бу — шаҳар бедарвоза дегани эмас. Мамлакатда ўрнатишган қатъий тизимни бемалол четлаб, мавжуд қонунларни, чегараларни бузиб ўтиш икки



давлат ўртасидаги келишув битимларида назарда тутилмаган. Шундай ҳаёлда юрганлар эса Тўхтавой Батиров ва Абдумавлон Эшонкулов каби қонун олдида жавоб беришларига тўғри келади. Хўш, уларни терговнинг қора курсисига ўтиришга, ҳаётларининг бир неча йилини панжара ортида ўтказишга нима мажбур қилди? ...Чирчиқ шаҳридан йўлга чиққан ВА3-24 русумли машина Қоплонбек божхона постига яқин худудга келиб тўхтади. Машинадан икки эрка ва турли ёшлардаги уч нафар аёл тушди. Тегишлича маълумотга эга ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари бу икки йигитни одам савдосида шугулланганида айбала, ҳибсга олишти. Айбланувчилар суриштирув жараёнида ўзлари йўлаб топган чўпчакка терговчиларни обдон ишонтирмақ-

чи бўлишти. Эмишки, Т. Батиров фарзандининг тоби йўқлиги боис, уни Чирчиқ шаҳридаги опаникига, шу ерлик шифокорларга қаратмоқчи бўлиб олиб келганини, дори-дармонга пули етмай Қозоғистонга қайтишга мажбур бўлганини, тоғасининг ўғли А. Эшонкуловдан Қоплонбек чегарасигача кузатиб қўйишини илтимос қилганини, улар билан машинада келаётган кизларни эса умтлақоқ танимаслигини айтиб, шу гапда туриб олди. А. Эшонкулов ҳам, худди келишлгандек, аммавачаси Т. Батиров кўрсатмаларини сўзма-сўз, нуқта, вергулигача такоррлади... Аслида эса Т. Батиров билан А. Эшонкулов ўзаро жинорий тил бириктириб одам савдоси билан шугулланишни касб қилиб юрганлигини. "Мол"ни топиш А. Эшонкулов, сотиш эса, Т. Батиров зиммасида

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ Ташкентская правда Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс). 233-12-83, 233-48-08. 236-55-54. 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ